УДК 1(575.1)316.647

ОИЛА ИНСТИТУТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА АЁЛНИНГ РОЛИ ВА ЎРНИ

С. С. Абдикаримова

Мақолада аёлнинг оила институтини шакллантириш, мустаҳкамлаш, этноаъаналардан фойдаланишдаги ўрни масалалари муҳокама қилинган. Тарихий манбалар, хусусан, "Авесто"даги қарашларга таянган ҳолда, аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, функцияларининг тарихий илдизлари ҳақида фикр юритилиб, патриархат муносабатлар доирасида аёлнинг оиладаги ўрнида рўй берган ўзгаришлар таҳлил этилган. Аёлларнинг оила ва жамиятда тенг ҳуқуқлилиги масаласи ҳозирги кунда ҳам кун тартибида турганлиги қайд этилади.

Калит сўзлар: *аёл, эркак, тенг ҳуқуқлик, эмансипация, матриархат, патриархат, оила, оила этноанъаналари, трансформация, феминизм.*

В статье обсуждаются вопросы места и роли женщины в формировании и укрепленении института семьи, в использавании этнотрадиций. Опираясь на исторические источники, в частности, на положения "Авесты", рассматриваются исторические корни вопроса места и функций женщины в семье и обществе, а также их изменение с укоренением патриархатных отношений. Подчеркивается, что вопросы равноправия женщин в семье и обществе остаются злободневными и в настоящее время.

Ключевые слова: *женщина, мужчина, равноправие, эмансипация, матриархат, патриархат, семья, семейные этнотрадиции, трансформация, феминизм.*

Оилада аёлнинг роли ва ўрни тўғрисида гап кетганида, аввало, унинг репродуктив функцияси тилга олинади. Бундай ёндашув илмий нуқтаи назардан тўғри, бироқ аёлнинг роли ва ўрни бу функция билан бошланмайди ва бу функция билан тугамайди. Оила институтининг шаклланишида эркак қандай ижтимоий функцияларни бажарса, аёл ҳам шундай ижтимоий функцияларни бажаришга қодир. Матриархат тузумида аёллар овчилик, чорвачилик билан шуғулланган, ўз қабилаларини ташқи душманлардан ҳимоя қилган, жамоани бошқаргани кабилар бунга мисол бўлади. Қадимги юнон тарихчилари, хусусан, Клавдиелианнинг ёзишича, кимки сак қизига уйланмоқчи бўлса, у билан курашга тушиши зарур бўлган, агар у қизни енголмаса, унинг қулига айланган; курашда ғолиб чиқсагина сак қизига уйланиши мумкин бўлган [1. Б. 23-24].

Диодорнинг ёзишича, жанговар хусусиятларга эга Зарина исмли аёл сак кабилаларига бошчилик қилган [1. Б. 24]. Машҳур тарихчи Страбоннинг хабар беришича, массагетларнинг "ҳар бири маккор, ёввойи ва жангавор, аммо бошқаларга муносабатларида содда ва тўғри" бўлганлар [1. Б. 22]. Шунга яқин фикрларни александриялик Климент, Дионисий Периэгит, Геродот ҳам билдиришган. Ҳатто Помпей Трог, скифлар ўзларини қадимги қабилалардан санаб, мисрликлар билан ҳам баҳслашадилар, деб ёзган эди [1. Б. 25]. Геродотнинг массагетлар маликаси Тўмарис ҳақидаги ҳикояси кўп ижодкорларнинг асарларига мавзу бўлган, унинг Кир устидан эришган ғалабаси эса афсонага айланган.

"Авесто" халқимизнинг қадимги даврлардаги оила ва никоҳга, оилавий муносабатларни йўлга қўйишга оид тасаввурлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унда аёлнинг оиладаги роли алоҳида ажратиб кўрсатилмаса-да, оила қуриш, соғлом фарзанд туғиш ва ўстиришда аёлнинг ўрни катта экани таъкидланган. "Авесто"да хабар берилишича, ўн олти ёшга тўлган ўсмир балоғатга етган ва турмуш қуриш ҳуқуқига эга ҳисобланган. Оила қуриш жамоа, ота-она измида бўлган, шу сабабли жамоа ва ота-оналар бўлажак келин ва куёвларни танлашда атрофлича ўйлаб иш кўрганлар. Ҳар жиҳатдан бенуқсон бўлган йигитга қадди-қомати, рангу рўйи мос соғлом қиз танланган ва унинг насл-насаби суриштирилган. Чеҳраси ёки терисида нуқсони бор, оқ, қора, қизил доғи мавжуд қизлар келинликка, йигитлар эса куёвликка танланмаган, яъни зардўштийлик ақидасига кўра, "Тенг тенги билан" ҳикматига риоя қилинган. Авестошунос Ҳомиджон Ҳомидовнинг таъкидлашича, "агар эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлсаю, аммо уйланмаса, унга тамға босилган ёки у белига доимо оғир темир камар боғлаб юришга мажбур этилган. Ер юзида инсон зурриётининг кўпайишига қарши чиқиб, турмуш қурмай юрган қиз қопга солиниб, 25 қамчин калтакланган" [2. Б. 102].

“Авесто”да аёлнинг репродуктив функцияси алоҳида қайд этилган, аёл ҳомиладорлик пайтида кўпроқ соғлом фарзанд туғиши ҳақида ўйлаши, бўлар-бўлмасга изтиробга тушмаслиги, ҳалол луқма ейиши, танасини бардам тутадиган амаллар, ишлар қилиши зарурлиги уқтирилган. “Ҳомиладор аёлга муттасил хурмо, анор, узум, анжир истеъмол қилиб юриш буюрилган. Бола она кўкрагидан ажралгач, унинг узлуксиз сигир ва туя сутини ичиб туриши, сут маҳсулотларини бисёр истеъмол қилиши соғлом ва ўктам ўсишининг гарови эканлиги уқтирилади, ота-оналар ҳам шунга даъват этилади. Ҳатто, “Авесто”да аждодларимизнинг серфарзандликдек олижаноб фазилати тангри Яздон томонидан олқишланади. Зардушт Ахура Маздадан “Серфарзанд хонадонга нима берасан?” деб сўраганида, у: “Бундай одамларни ўз ҳимоямга оламан, ҳаётини фаровон, ризқини мўл қиламан” деб жавоб беради. Шунинг учун ҳам зардуштийлик ақидасида, катта оилалар жамоа оқсоқоли томонидан ҳимоя қилиниб, бир йўла 2-3 тадан фарзанд кўрган аёлларга бир жуфт соғин сигир ёки сариқ туя ҳадя қилишган ва давлат хазинасидан доимий нафақа белгиланган. Ҳомиладор аёл ҳомиласини аборт қилдириши ёки “жонзот” ни бошқа йўл билан тушириши гуноҳ ҳисобланиб, айбдорлар ўлим жазосига маҳкум этилган. Шунингдек, ўз оиласи бўла туриб, ғайришаръий иш қилган оила бошлиқлари, зинога берилган аёл ва эркаклар қамчи уриб оғир жазоланганлар, ҳатто айримлари ўлим жазосига ҳам маҳкум этилганлар” [2. Б. 103]. Мазкур тартиблар ва тақиқлар жамоада оилавий анъаналарни шакллантирган, эр-хотин ўртасидаги вафодорлик, садоқат туйғуларини мустаҳкамлаган. Энг муҳими, зардуштийлик ақидалари аёлнинг мавқеини, шаъни ва қадрини эъзозлаган, унинг оиладаги ролини мустаҳкамлаган.

Оиладаги осойишта ҳаёт саранжом-саришталик, фарзандлар камолоти аёлга боғлиқ бўлганлиги учун ҳам “Авесто”да қиз болаларни билимли, уй-рўзғор ишларига уддабурон, доно ва соғлом қилиб тарбиялашга даъват этилган. “Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга жиддийроқ киришсинлар. Чунки улар ўзлари туғилган хонадонда рўзғорини тартибга солиб, уйга зийнат бериб юрсалар, жуфти ҳалоли уйига боргач келажак насл, яъни фарзандлари тарбияси, таълими билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади”. Шу тариқа, қиз болалар учун юнгдан урчуқ билан ва чархда ип йигириш, матолар тўқиш, либослар тикишдан ташқари, ўғил болалар билан кураш тушиш, чавандозлик, қиличбозлик қилиш, қалқон тутиб, ўзини рақибидан ҳимоя қила билиш, отда ҳар хил ғовлардан сакраб ўтиш, сувда сузиш, узоққа югуриш найза ирғитиш, камондан ўқ отиш ва бошқа шу каби жисмоний, ҳарбий малакаларни эгаллаш мажбурий бўлган. Ана шундан сўнг қизлар ўн беш, ўғил болалар ўн олти ёшида оқсоқол бошчилигида жамоа олдида махсус имтиҳондан ўтказилган. Натижада балоғат ёшига етган қизлар рўзғор юритишни ўрганиб, “қадбону”, яъни “уй бекаси”, йигитлар эса “Қад худо”, яни “оила бошлиғи” бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от суриш, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритганлар. “Авесто”да қайд этилишича, ўша даврларда эркакларда бир нечта хотин олиш ҳуқуқи бўлган. Эркаклар роппа-роса ўн олти ёшидан бошлаб уйланишган. Ҳамма вақт биринчи хотин бошқаларга бош бўлган” [2. Б. 107-108). Мазкур тартибларда аёлнинг ижтимоий функциялари батафсил баён қилинган. Унга фақат фарзанд туғиб берувчи ёки “ўчоқни асровчи” деб эмас, балки, жамоанинг фаол аъзоси, ўзини ва қабиласини ҳимоя қилувчи, оила учун зарур амалларни бажарувчи, масалан, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланувчи, рўзғорни олиб борувчи шахс сифатида қаралган. Бу тартибларда матриархат таъсири сақланиб қолгани, шу билан бирга, патриархал муносабатлар қарор топгани кўзга ташланади. Аёл қанчалик эъзозланмасин, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ана шу патриархал муносабатлар доирасида бўлиши табиий ҳол эди. Ахура Мазда “Аёллар бачадонини дунёдек этувчи, кенг, икки қатта мададкор, туғмоғида халоскор, кўксин сутга тўлдирар” қудратга эга зот [3. Б. 17]. У аёллар ва оила ҳимоячиси сифатида барчага бахт саодат тилайди. Унинг даъват ва тилаклари ибодатчиларнинг кўп бўлишига эзгу ният, эзгу фикр ва эзгу амал билан юртни, элни, оилани фаровон, бахтиёр қилишга қаратилган.

Оила институтининг шаклланишида аёлнинг роли қачон ва қайси географик кенгликдан бошланганини аниқ айтиш осон эмас, аммо илмий кузатувлар бу жараённи матриархат билан боғлашади. Энг қадимги турар жойлар Олдувай номи билан аталади, унда топилган археологик манбалар илк кишилар жамоаси 1,75 миллион йил олдин мавжуд бўлганини кўрсатади. Махсус радиоизатоп усули ёрдамида аниқланган ва жаҳон илм аҳли томонидан эътироф этилган бу турар жойларда эркак ва аёллар бирга ов қилишган, аммо ҳомиладор аёллар, касал ва қариялар, гўдаклар кулбаларда қолган, улар овда қатнашмаган. Ҳомо ҳабилис (архантроп) олдувай ҳаёт тарзини эгаллаган, ўзлаштирган илк кишилар сифатида якка ўзи яшаши, ов қилиши ва авлодлар қолдириши мумкин эмас эди. Авлодлар қолдириш фикри унда қачон пайдо бўлганини айтиш қийин, бироқ биологик омил муҳим роль ўйнагани, шубҳасиз. Демак, 1,75 миллион йилдан олдинги ижтимоий ҳаёт кишилик жамиятининг шаклланишида маълум бир из қолдирмаслиги мумкин эмас. Бу из, албатта, биологик омил орқали кишилик жамиятининг

шаклланишига таъсир этган. Матриахал муносабатлар ва ҳаёт тарзи юқори полиолит даврига келиб ўзининг якуний шаклига кирган [4. Б. 83].

Археологик изланишлар жараёнида топилган кулбалар улардаги аёллар образи акс эттирилган суратлар, қоя тасвирлар матриархал ҳаёт тарзи қарор топганидан далолат беради. Бу муносабатни барча халқлар, этнослар босиб ўтган, шу сабабли уларнинг тарихий-маданий ривожланишида аёл жангчи, овчи ёки илоҳ сифатида улуғланган достонлар, эртаклар ва қўшиқлар кўп учрайди.

Таниқли археологик маданиятшунос Б.Кембеллнинг таъкидлашича, эркак ва аёл ролининг шаклланишида табиат, иқлим муҳим аҳамиятга эга бўлган. Европа ва шимолий Хитойдаги мўътадил иқлимдан фарқ қилувчи совуқ ҳудудларда илк кишилар уюшиб, кулба тиклаб, ўзига хос маданий-хўжалик типини шакллантириб яшашга мажбур бўлган, иссиқ ўлкаларда эса кишилар эркин яшаганлар, улар ўртасидаги алоқалар ҳам эркинроқ кечган [4. Б. 177]. Совуқ ҳудудларда яшаган кишилар турар жой ва маълум бир гуруҳ ёки норасмий лидер атрофида бирлашган, бу иттифоқни кўпинча аёллар бошқарган.

Матриархат тузимига хос бўлган бундай ҳаёт тарзи аёлни эъзозламаслиги, улуғламаслиги мумкин эмас эди. Ч.Дарвиннинг ёзишича, қадимги тўдалар фақат аёллардан иборат бўлиб, уруғдаги муносабатларни улар белгилаган. Аёллар билан беллашиб, улардан ғолиб келган эркак уруғ аъзоси бўлган, бу талабга нолойиқ эркак қувилган ёки ўлдирилган [5. Б. 133]. Бироқ бу аънана фақат кулба тиклаган, уюшган, совуқ ўлкаларда яшовчи қабилаларгагина хос эмас. Масалан, Ҳиндистон иссиқ ўлкалардан ҳисобланади, улардаги матриархал муносабатлар аёлни илоҳийлаштиришгача етган. Вишна, аввало, аёл-илоҳа бўлган, “Маҳобҳорат” қаҳрамони Аржуна гўзал, ҳушбичим, суратидан нур таратувчи, эркак тасвирига мувофиқ келмайдиган образ сифатида тасвирланган. Ҳинд халқи мифологиясида эркакни ўз даврасидан қувган аёллар уюшмаси учрамайди. Будда, Кришна ҳам аёлларга хос гўзаллик тимсолида тасвирланади. Фикримизча, улар тасвирида матриархал муносабатлар таъсири мавжуд.

Профессор Исо Жабборовнинг ёзишича, ҳар бир этносга хос маданий-хўжалик типларининг шаклланишида аёлларнинг роли катта эди. Матриархатда улар нафақат ов қилган, кабилани бошқарган ва уни ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилган, шунингдек, ташқи дипломатияни олиб борган. Бошқа қабилалар билан алоқалар ўрнатиш, савдо-сотиқ қилиш, товар айирбошлаш, қариндошлик алоқаларини ўрнатиш каби кенг маънодаги ижтимоий-сиёсий ва маданий функцияларни ҳам бажаришган [6. Б. 37-38].

Ишлаб чиқариш, меҳнатнинг этнослар ҳаётига таъсири ҳақида кўплаб фикрлар билдирилган, уларнинг позитив аҳамияти умумэътироф этилган. Бизни бу ўринда аёлнинг роли масаласи қизиқтиради. Аёл ишлаб чиқариш, меҳнат жараёнларининг бош субъекти сифатида намоён бўлмаса-да, уларга билвосита таъсир этган. Бу босқич асосан қуйи палеолит, қабилада меҳнат тақсимотининг баркарор вокеликка айланиши ва эркак ролининг ошиши билан боғликдир. Агар матриархат даврида оилавий муносабатлар, жинсий алоқалар қабила бошлиғи бўлган аёл ёки аёллар иттифоқи орқали ҳал этилган бўлса, энди, қуйи палеолитга келиб, эркакнинг таъсири етакчи ўринга чиқади. Оилада меҳнат тақсимотини ҳам, оилавий муносабатларни ҳам эркак белгилайди. Лекин уруғчилик даврида пала-партиш жинсий алоқаларга чек қўйилади, полигамия, полигиния ва инбридинг (яқин қариндошлар билан жинсий алоқага киришиш)га табу қўйилади. Бу нафақат ички қабилавий ва қариндош-уруғчилик анъаналарини мустаҳкамлаш ва ёйиш учун, худди шунингдек, ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимоти тақозо этадиган этнослараро алоқаларни ҳам интенсификациялаш, яъни чуқурлаштириш учун зарур эди. Ишлаб чиқариш, меҳнат тақсимоти оилага янги кучлар келишини қўллаб-қувватлаган, тор қабила ва уруғчилик муносабатлари зарур ишлаб чиқариш кучларига эга бўлавермаган, бундай кучларнинг етарли эмаслиги қабила, уруғни бошқа қабила, уруғ билан қариндошлик алоқаларини ўрнатишга ундаган.

Агар ишлаб чиқариш жараёнларининг кенгайишини асосан эркаклар таъминлаган бўлса, этнослараро қариндош-уруғчилик алоқаларининг интенсификациялашувига кўпроқ аёллар бошқош бўлган. Бу уруғчилик даврида юзага келган меҳнат таксимотига мувофик анъана эди. Айнан шунинг учун ҳам қиз чиқариш, ўғил уйлантириш, кимлар билан қудачилик килиш каби анъаналарни аёллар ўз зиммасидаги вазифа деб билади. Қадимдаги уруғчилик тузумига бориб тақалувчи бу анъана ҳамон ўз моҳиятини йўқотмаган, айниқса, анъанавий жамиятларда уларга риоя этиш ижтимоий норма, оила амал қиладиган қадрият ҳисобланади. Ўша даврда шаклланган экзогамия вақт ўтиши билан ижтимоий нормага, оила институтини барқарорлаштириб турадиган қадриятга айланган [5. Б. 179]. Шундай бўлса-да, табу шахсдаги “зоологик индивидуализм”ни, аёл ҳақидаги салбий фикрларни, садомазохизмни онгдан бутунлай сиқиб чиқаролмади. Тарихий адабиётларда келтирилишича, мисрлик малика Арсиноя II (эр. авв. 316 – 270 йиллар) инцестга алоқадор табуни бузиб, ўзидан саккиз ёш кичик укаси Патоломей II ни ўзига уйланишга мажбурлайди [5.

Б. 91]. Ҳатто онги ва билими юксак, инсониятга ибрат бўлиб келаётган донишмандлар, файласуфлар ва ақл эгалари ҳам аёлнинг оиладаги, жамиятдаги ролига салбий фикр билдиришдан тўхтамаган. Эзопнинг фикрича, “Уч офат бор – улар олов, аёл ва денгиз”. Аристотель фикрича, “Аёл табиатан бузилган эркакнинг қусурли нусхасидир”. А.Шопенгауэр “Аёл бутун умри бўйи гўдак бўлиб қолади” деб ҳисоблайди. Ф.Ницше эса “Аёл олдига бормоқчимисан, қамчини унутма!” дейди [6. Б. 125]. Мазкур салбий фикрлар аёлнинг оиладаги ролини камситишга асос бўлолмайди. Тўғри, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши ва патриархал муносабатларнинг авж олиши билан аёлнинг ролига бўлган қарашлар ҳам ўзгарган. Бундай муносабатлар мутлақлаштирилган давлатларда аёлларга қул, сотиб олинадиган нарса сифатида қаралган. Тарихий манбалар кўрсатадики, XX аср бошларида Эронда яшовчи осетинлар келин учун 18 та сигир беришган, бева хотин учун эса унинг ярми тўланган. Туркманларда ёш қизча 5 дан 400 рупийгача баҳоланган, бева хотинга ҳам шунча тўланган. Ёки ёш қизчага 5 туя, ёш бева хотинга эса 50 тадан 100та гача туя берилган. Ўрта Уралда ориқ қиз 5 рубл, семизи эса 25 рубл турган. Синайлик араблар келинга 5-10 доллар, баъзан 30 доллар беришган, бева аёлларга эса уларнинг икки-уч миқдори тўланган. Шунингдек, олмон, франк, рипуар, бургунд, англосаксон ҳуқуқларида ҳам келин учун пул тўлаш шартлиги кўрсатилган [6. Б. 17].

Таниқли америкалик этнограф Э.Каспари, инсоният тарихига ўта яқинлар билан жинсий алоқалар (инцест) ҳам, қатъий экзогамия ҳам салбий таъсир кўрсатган бўларди, шунинг учун улардан бирини мутлақлаштириш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, агар инцест мутлақлаштирилса, этноснинг бошқа этнослар билан алоқаларига зарар етган, агар экзогамия мутлақлаштирилса, этноснинг жавобгар аёли ушбу икки турдаги алоқаларни регуляция қилиб туриши, натижада ёшларнинг оилавий ҳаёти учун масъулликни ўз устига олиши зарур бўларди [7. Б. 182]. Матриархатда она томондагилар билан уруғчилик, қариндошлик алоқаларини ўрнатиш одатий ҳол ҳисобланган, она буни қўллаб-қувватлаган, шу нуқтаи назардан у анъаналарни асровчи эди. Патриархатда экзогамик алоқалар кенгаяди, аёлнинг функцияси энди ушбу алоқаларни ташкил этиш, янги ишчи кучини қабилага, уруғ ичига, оилага олиб киришга қаратилади. Шундай бўлса-да, аёлнинг экзогамик алоқаларни қўллаб-қувватлаши унинг ихтиёрида эмас эди.

Баъзи минтақаларда, давлатларда оилада қанча фарзанд кўриш, қиз ёки ўғил кўришни қўллаб-қувватлаш, болаларни парваришлаш усулларини танлаш кабилар ҳам эркаклар хоҳиши, рухсати билан амалга оширилган. Масалан, XVII асрда Францияда болаларни она боққан, эмизган, парваришлаган, эркак буни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган, оила фаровонлиги учун зарур барча нарсани яратиб беришга интилган. Бироқ француз илоҳшунослари аёллардаги болажонликни қоралаганлар. Улар назарида, бундай меҳр аёлларни худога меҳр қўйишидан чалғитади. Бир аср ўтгач, Францияда болалар тарбиясига, оиладаги муносабатларга бўлган қарашлар ўзгаради, яъни болаларни эмизиш ва парваришлаш учун энагалар ёлланадиган, онанинг эса уйни парваришлаши, истакларини амалга ошириши, дилига яқин кишилар билан учрашиб, кўнгилхушлик қилиши одатга айланади. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Европада “боласеварлик”-дан қочиш, нафратланиш анъанага айланади. “Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий эмансипацияси ва уларни ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятига кенг тортиш уларнинг оилавий ролини, шу жумладан, оналикни ҳам кенг эътиборли қилмай қўйди, баъзиларига эса унча зарур эмас қилиб қўйди. Замонавий аёл энди “садоқатли жуфт ва эзгу ниятли она” бўлмай, ҳатто буни хоҳламай қолди. Унинг ўзини ўзи иззатлаши тагида профессионал ўсиш, ижтимоий эркин яшаш истаги ётади, у учун энди эрга тегиб орттирган мавқеи эмас, балки ўз саъй-ҳаракатлари билан топган ўрни муҳимдир. Аввалги болаларни тарбиялаш, хўжалик юритиш каби уй бекасига хос функцияларни (ҳатто уларни баъзан ёлланган аёл бажарган бўлса ҳам) бугун болалар врачи, махсус қаровчилар, тарбиячилар, болалар боғчалари каби ижтимоий-тарбиявий муассасалар ўз зиммасига олмоқда. Булар она меҳрини ва унга эҳтиёжни рад қилолмайди, аммо аёл хулқ-атворини жиддий ўзгартиради” [8. Б. 261].

Ижтимоий омилларнинг таъсири туфайли аёлнинг оиладаги роли ва ўрни трансформацияга учраганлиги шубҳасиз. Америкалик социологлар А.Черлин, Ф.Фрутенберг ўтган асрнинг 70-йилларида 2000-йилларга бориб оилаларнинг тақдири, улардаги аёлнинг роли ташқи омилларга боғлиқ бўлади, ҳатто уларда “ўз ташвиши”, тўғрироғи, ҳузури, имижи учун яшаш анъанага айланади, деган фаразни билдиришган эди [8. Б. 262]. Ҳақиқатан ҳам, ташқи омилларнинг, айниқса, урбанизация ва илмий-техник инқилобнинг таъсири ижтимоий-тарбиявий институтлар тизимини кенгайтирди, оиланинг вақтини тежашга имкон берди, болалар тарбиясини махсус институтлар зиммасига юклашни одатий ҳолга айлантирди. Бироқ бу омиллар аёлларнинг оиладаги ролини сусайтирмайди, балки уни янада самарали кечишига имкон яратади.

Аёллар масаласига оид муаммоларнинг кўпчилиги ҳал этилган бўлса-да, у XIX асрдан бери кишиларни, давлатлар ва тадқиқотчиларни безовта қилиб келади. XIX асрда Европада бошланган феминистик ҳаракатлар хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликлари учун курашувчи турли нодавлат ташкилотларини юзага келтирди. Аёлни “тўрт девор” ичидан халос қилиш халқаро миқёсда қараладиган бўлди. Буюк француз революцияси ғояларидан илҳомланган А.Кондорсе хотин-қизлар эмансипацияси масалаларини кўтариб чиқади ва аёлларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканини тарғиб этади. Таниқли файласуф, иқтисодчи ва социолог Ж.Ст.Милль бу ҳаракатни қўллаб-қувватлаган, ўзининг “Аёлларнинг итоати ҳақида” (1869) деган асарида меҳнатнинг тақсимланиши аёллар меҳнатини эксплуатация қилишга асос бўлолмаслигини таъкидлаган. Хотин-қизлар масаласи XX асрга келиб жиддий муаммога айланди, уни халқаро миқёсда ҳал этишга интилиш бошланди [9. Б. 78]. XX аср бошида Германияда юзага келган уч “К” (Kirche, Kuche, Kinder, яъни “черков, ошхона, болалар”) назарияси аёлларни оила ўчоғи билан чегаралаб қўйиш томон ҳаракатни бошлаб берди. Мазкур назария кейинчалик фашистлар томонидан қўллаб-қувватланди, босиб олинган жойлардаги хотин-қизлар устидан ғайриинсоний экспериментлар ўтказишга имкон берди. Демак, хотин-қизлар масаласи қуруқ қараш, ғоя ёки субъектив фикрлардангина иборат эмас, у зарур пайт келганида оммавий ҳаракатга, сиёсий платформага айланиши мумкин. Буни АҚШда рўй берган ва ҳозирги кунгача давом этиб келаётган қора танли аёлларнинг дискриминациясига қарши кураш тарихи ҳам исботлайди.

АҚШдаги феминистик хатти-ҳаракатлар ҳам буюк француз революцияси таъсирида юзага келган. 1848 йили америкалик аёллар эркаклар қатори хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқини кўлга киритадилар. Шу пайтгача “демократик Америка”да (Алексис де Токвиль ибораси) аёллар хусусий мулк эгаси бўлолмайди, улар билим олишга, интеллектуал фаолиятга, рақобатга мойил эмас, деган қараш ҳукмрон эди. Хотин-қизларни касаба уюшмаларига аъзо қилиб олишга эса 1880 йили рухсат берилган. 1920 йили аёллар ҳаракати хотин-қизларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқини олишга эришди. Аммо қора танли аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш, улардан фақат плантацияларда, кўчаларни тозалаш каби ишларда фойдаланиш ҳозирга қадар давом этиб келади. Мутахассисларнинг ёзишича, “Ҳанузгача АҚШда ишга қабул қилишда аёлларга мукаммал ишчи кучи сифатида қаралмади. Бир неча йил аввал АҚШда аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлиги ҳақида қонун қабул қилишга ҳаракат қилинди. Узоқ баҳслар ва тортишувлардан кейин 1972 йил 22 мартда Америка сенати 8 қарши ва 84 рози овоз билан АҚШ конституциясига аёллар дискриминациясини тақиқловчи тузатиш киритди. Бу қонун лойиҳаси Тенг ҳуқуқлилик акти номини олди. Унинг қонун бўлиши учун штатлардаги қонун чиқарувчи органлар томонидан ратификация қилиниши даркор. Аммо бу қилинмади. Кўпгина штатлардаги ҳокимият органлари Тенг ҳуқуқлилик актини қўллаб-қувватлашмади.

Шундай қилиб, бугун ҳам АҚШда аёллар тенглиги ҳақида на юридик, на амалий тенглик мавжуд эмас” [10. Б. 9]. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1976 – 1986 йилларни Аёллар ўн йиллиги деб эълон қилди. Барча давлатларни аёллар дискриминациясига қарши курашга чақирди, лекин бу даъватлар, айниқса, АҚШда қора танли хотин-қизлар учун муаммолигача қолаверди. Урбанизация, “Макдональдс” ва “Кентукки фрайд чикен” каби озиқ-овқатни тез тайёрловчи компаниялар оилавий ташвишлардан хотин-қизларни халос қилгандек туюлади, аслида эса қора танлилар ҳуқуқларининг ҳимоячиси, файласуф Анжела Дэвиснинг ёзишича, улар аёлларда “уй бекалиги институтини ўлдиради” [10. Б. 246].

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1967 йили қабул қилинган аёллар дискриминациясига қарши кураш Декларацияси, Найроби (1976), Пекин (2006) шаҳарларида ўтказилган халқаро хотин-қизлар ташкилотларининг умумжаҳон конференциялари ва уларда қабул қилинган дискриминацияга қарши кураш конвенциялари аёллар масаласи ҳамон кун тартибида турганини, оиладаги дискриминация туфайли ажралиш каби нохуш ҳоллар, ҳатто фожиалар рўй бераётганини кўрсатади.

Бугун цивилизацияга, тараққиётга интилаётган барча халқлар, давлатлар аёллар муаммосини ҳал этишга эътибор қаратмоқда, аммо оилавий анъаналардаги консерватив қарашлар, тажрибалар хотин-қизларни уй бекаси бўлишини истайди. Оиладаги меҳнат тақсимоти, аёлларнинг репродуктивлик функцияси ва фарзандлар тарбияси ҳақидаги консерватив ёндашувлар ижтимоий онгдан шу қадар чуқур жой олганки, уларни ўзгартириш қисқа муддатда амалга ошадиган иш эмас. Аксарият ҳолларда хотин-қизларнинг ўзлари оилага, фарзандларга боғланганидан мамнун, ўз ижтимоий функциясини, ҳаётий мақсадини фақат оилада кўради, фарзандлари тарбиясини, уларни оёққа қўйишни ҳар қандай ташқи мажбуриятлардан устун қўяди.

Ижтимоий муносабатлардаги зиддиятлар авж олганида, иқтисодий ривожланиш сусайганида аёллар нажотни, аввало, оиласидан, эридан қидиради, эркаклар кўмагини кутиб яшайди. Шунинг

учун ижтимоий муносабатлардаги, жамиятдаги ҳар қандай ўзгаришлар борлиқни, ҳаётни импульсив идрок этишга мойил аёлларга, улар орқали оила институтига таъсир этади. Кузатувларнинг кўрсатишича, бу таъсир кўпинча салбий, деструктив хусусият касб этади, натижада оилада қалтис муҳит юзага келади, ажралишлар кўпайиб, етим болалар сони ортади, мол-мулкни бўлиб олиш билан боғлиқ низолар юзага келади. Шунинг учун оила институтини мустаҳкамлашни ўз ички сиёсатига айлантирган давлатлар ислоҳотларга киришганида мазкур таъсирнинг салбий оқибатларини камайтиришнинг, трансформация жараёнларининг фаол субектларига айлантиришнинг самарали йўлларини излаб топишлари лозим бўлади.

Адабиётлар

1. Древние авторы о Средней Азии. Хрестоматия – Ташкент: Госуд. изд-во научно-техн. и социально-эконом. лит-ры УзССР, 1940. – 150 с.
2. Бобоев Х., Ҳасанов С. “Авесто” – манавиятимиз сарчашмаси. – Тошкент: Адолат, 2001. 102 б.
3. Авесто: Яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 128 б.
4. Файнберг Л.А. У истоков социогенеза: от стада обезьян к общине древних людей. – Москва: Наука, 1980. – 145 с.
5. Вардиман Е. Женщина в древнем мире. – Москва: Наука, 1990.
6. Гитин В.Г. Эта покорная тварь женщина. – Москва: АСТ-ПРЕСС, 2001.-544 с
7. Семья. Т.1. – Москва: Политиздат, 1991.
8. Кон И. Дети и родители. // Семья. Книга для чтения. Кн.1. – Москва: Изд-во Политич. литературы. 1991. – С. 268-269.
9. Миловидова Э. Женский вопрос и женское двежение. Хрестоматия. – Москва-Ленинград: Гос. изд-во, 1929. – 507 с.
10. Дэвис А. Женщины, раса, класс. – Москва: Прогресс, 1987. – 280 с.

THE ROLE AND PLACE OF WOMEN IN THE FORMATION OF THE FAMILY INSTITUTION

S. S.Abdukarimova[1]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 12–18.

1Urgench State University, Urgench, 220100, Kh. Alimdjan str., 14 (Uzbekistan). E-mail: contact@urdu.uz

Keywords: *women, men, equality, emancipation, matriarchy, patriarchy, family, family ethno-traditions, transformation, feminism.*

While discussing the role of a woman in the family, first of all we mean her reproductive function. This kind of approach is correct from the scientific point of view, but the woman’s role and place do not begin and end with this function.

The woman can do the same social functions as the man in the formation of the family institution.

The woman’s reproductive function is noted in “Avesto”. It says that the woman should think more of bearing a healthy child during the pregnancy, shouldn’t get exicited for any trifle things. “Avesto” explains to eat “halal” food allowed by muslim religion, to do jobs that keep her body hale and hearty. Spinning thread from wool, weaving cloths, dressmaking, wrestling with boys, horse riding, fencing, self defending from her enemy with shield, jumping over the barriers with horse, swimming, long distance running, bayonet fighting, shooting arrows and the like acquiring physical and military skills were compulsory. The woman’s social functions are stated in details in those orders. According to the rules she was not only the giver of birth or the keeper of a fire place, but she was considered to be a member of a society, defender of herself and her tribe, doer of necessary acts for the family, for example, cattle breading, farming, housekeeping. One can see the influence of matriarchy and appearance of patriarchal relations. It difficult to say exactly when and where began the role of the woman in the formation of the family institution. But scientific observations combine this proces with matriarchy. Ancient residences of people were called “Olduway” and the archeological sources show that the first society of people came into being 1,75 million years ago. As the special radioisotope method and the scholars of the world say that men and women hunted together around the residencies but pregnant women, the sick and old people, babies stayed in the hovels and did not participate in hunting.

If family relations, sexual contacts were settled by the woman head of the tribe or the council of women during the period of matriarchy, the influence of the men took the

leading position in low paleolith age. It was the man who did labour division and decided family relations.

Men played a major role in the extention of the production processes. Women were at the head of intensification of kinship relations among ethnic groups. That was a tradition corresponding to labour division which appeared during the tribal age.

The issue of women became a serious problem in the XX th c, the solution of which became possible on international scales.

Three “K” theory kirche, kuche, kinder, (church, kitchen, children) which came into being in the XX th c in Germany started the movement to keep women within the boundaries of the family.

The General Assembly of The United Nations Organization adopted the Declaration against the emancipation of women in 1967 and the international world conference of women’s organizations held in Nairobi (1976), Peking (2006), the conventions on the struggle against the discrimination of women showed that the problems of women are still standing on the agenda. Because of the discrimination in the family divorces and tragedies are occurring even nowadays.

Today all the nations, states, striving to civilization and progress are paying attention to the problems of women. But conservative views in the family traditions, as well as experiences want women to be housekeepers. Labour division inside the family, reproductive functions of women and conservative approaches on the education of children have already taken deep place in the social intelligence that the realization of it is sure to take a long time.

References

1. Bazhenova, L.V. (ed.) (1940) Drevnie avtory o Srednej Azii. Hrestomatiya [The ancient authors of Central Asia. Chrestomathy]. Tashkent: State Publishing House of Scientific, Technical and Socio-Economic Literature of the UzSSR.

2. Boboyev, H., Khasanov, C. (2001) “Avesto” – manaviyatimiz sarchashmasi ["Avesto" is the source of our spirituality]. Tashkent: Justice.

3. Is’hoqov, M. (ed.) (2001) Avesto: Yasht kitobi [Avesto: Book Yasht]. Tashkent: Sharq.

4. Fajnberg, L.A. (1980) U istokov sociogeneza: ot stada obez'yan k obshchine drevnih lyudej [At the root of sociogenesis: from a herd of monkeys to the community of ancient people]. Moscow: Nauka.

5. Vardiman, E. (1990) Zhenshchina v drevnem mire [Woman in the ancient world]. Moscow: Nauka.

6. Gitin, V.G. (2001) Eta pokornaya tvar' – zhenshchina [This submissive creature is a woman]. Moscow: ACT-PRESS.

7. Andreyeva, I.S. (ed.) (1991) Sem'ya [Family]. Vol.1. Moscow: Political Literature Publishers.

8. Kon, I. (1991) Deti i roditeli [Children and parents]. In: Andreeva I.S. (ed.) Sem'ya. Kniga dlya chteniya. Vol.1. – Moscow: Izdatel`stvo politicheskoj literatiry. pp. 268-269.

9. Milovidova, E. (1929) Zhenskij vopros i zhenskoe dvezhenie. Hrestomatiya [Women's issue and women's movement. Chrestomathy]. Moscow-Leningrad: Gosudarstvennoye izdatel`stvo.

10. Devis, A. (1987) Zhenshchiny, rasa, klass [Women, race, class]. Moscow: Progress.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Абдикаримова Сайёра Сапаевна – Урганч Давлат университети тадқиқотчиси, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари малакасини ошириш бўйича ўқув курслари директори. E-mail: sayyora.a63@mail.ru